## Аутсорсинг шартлари асосида овкатланишини ташкил этиш учун

### ШАРТНОМА № 1____

Тошкент вилояти 2022 й. «06» _ Октябрь

Кейинги ўринларда Буюртмачи деб аталувчи **Тошкент** вилояти руҳий асаб касалликлар диспансери номидан Низом асосида фаолият юритувчи бош шифокор Шомансуров Ш.А. бир томондан ва кейинги ўринларда Аутсорсер деб аталувчи **MCHJ "BIR ZUMDA FOOD"** номидан Устав (ишончнома) асосида фаолият юритувчи директори **М.А. Аллабердиев** иккинчи томондан, кейинчалик Томонлар деб аталади, ушбу Шартномани куйидагилар тўғрисида туздилар.

### 1. Шартнома предмети

1.1. Аутсорсер Буюртмачининг топшириғи бўйича мазкур Шартноманинг 1.2-бандида кайд этилган хизматларни кўрсатиш, Буюртмачи эса — ушбу хизматлар учун пул тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Аутсорсер мазкур Шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатдан бошлаб у тугагунига кадар хар куни шифохонани озик-овкат паёкларининг белгиланган меъёрлари хамда Ўзбекистон Республикасининг норматив-хукукий хужжатлари билан белгиланган санитария коидалари, нормалари ва гигиена нормативларига риоя этган холда Буюртмачи билан келишилган таомномага мувофик тўрт махал иссик овкат(нонушта, тушлик, полдник, кечки овкат) билан таъминлаш мажбуриятини (кейинги ўринларда Хизматлар деб аталади) ўз зиммасига олади.

1.3. Хизмат кўрсатиш муддати:
2022 йил « 06 » октябр 2022 йил «31» декабргача.

1.4. Томонлар бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва Аутсорсер томонидан амалда кўрсатилган Хизматлар учун белгиланган тартибда расмийлаштирилган хисоб-фактурани имзолаганидан хамда Буюртмачи томонидан Аутсорсернинг мазкур Шартномада кўрсатилган банк хисобракамига пул маблағлари ўтказилгандан сўнг Хизматлар кўрсатилган деб хисобланади.

### II. Томонларнинг хукуклари ва мажбуриятлари

2.1. Аутсорсер куйидагиларга мажбур:

2.1.1. Таомни ва тайёр махсулотни сифатли тайёрлаш бўйича санитария коидалари, нормалари ва гигиена нормативларига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси норматив-хукукий хужжатларининг таом тайёрлаш ва овкатланишни ташкил этишга тааллукли кисмларидаги талабларга тўлик мос келадиган Хизматлар кўрсатиш.

2.1.2. Овкатланувчиларнинг овкатланишини ташкил этишда тегишли сифат сертификатлари билан тасдикланган озик-овкат махсулотларидан фойдаланиш.

2.1.3. Ўзининг омборида сакланаётган озик-овкат захираларини янгилаб туриш.

2.1.4. Аутсорсер томонидан сифатли ва янги махсулотлар харид килиш.

2.1.5. Хизматларни мазкур Шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатда ва тўлик хажмда кўрсатиш.

2.1.6. Хизматлар кўрсатиш жараёнида Аутсорсер мазкур Шартнома шартларига амал килмасдан, овкат сифатининг ёмонлашувига олиб келган барча камчиликларни Буюртмачининг талаби бўйича бир кун давомида бепул бартараф этиш.

2.1.7. Таомни тайёрлаш жараёнига факат белгиланган тартибда тиббий текширувдан (кўрикдан) ўтган ходимларга рухсат этиш.

2.1.8. Ходимлар зиммасига Буюртмачининг худудида одоб-ахлок коидалари, шунингдек, ички кун тартибига риоя килиш мажбуриятини юклаш.

2.1.9. Хизматларни бевосита кўрсатиш.

2.1.10. Хизматлар нархини оширмаган холда шахсий маблағлари хисобидан:
солиқлар тўлаш;
белгиланган тартибда у билан мехнат шартномаси тузган ходимлар мехнатига хак тўлаш;
озик-овкат махсулотларини харид килиш;
озик-овкат махсулотларини савдо шохобчаларидан хизмат кўрсатиш жойигача етказиш;
совутувчи компрессорлар ва бошка жихозларни соз холатда саклаш, таъмирлаш, кайта тўлдириш;
ижарага олинган бино, хона, мебель, инвентарь ва бошкаларни зарур холатда саклаш ва жорий таъмирлаш.

2.1.11. Томонлар имзолайдиган тегишли кабул килиш-топшириш далолатномаси ва алохида ижара шартномасини расмийлаштирган холда Буюртмачидан ишлаб чикариш хоналари, жихозлар ва ошхона мебелини кабул килиб олиш.

2.1.12. Мазкур Шартномани бекор килиш хакида Буюртмачини бир ой олдин ёзма равишда огохлантириш, ушбу муддат тугагунига кадар эса Буюртмачи овкатланишини узлуксиз ташкил этишни таъминлаш.

2.2. Буюртмачи куйидагиларга мажбур:

2.2.1. Бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва расмийлаштирилган хисоб-фактура асосида кўрсатилган хизматлар учун амалдаги нархлар бўйича бир ойда камида бир марта Хизматлар хакини тўлаш.

2.2.2. Аутсорсерга шахсий таркибнинг овкатланишини ташкил этиш учун ижара шартномаси доирасида «ноль» ставкаси бўйича ошхоналарнинг ишлаб чикариш хоналари, жихозлари ва мебель анжомларини вактинча

фойдаланишга бериш.
2.2.3. Томонлар имзолайдиган тегишли қабул қилиш-топшириш далолатномаси ва алоҳида ижара шартномасини расмийлаштирган ҳолда Аутсорсерга ошхоналарнинг ишлаб чиқариш хоналари, жиҳозлари ва мебелини топшириш.
2.2.4. Мазкур Шартномани бекор қилиш ҳақида Аутсорсерни бир ой олдин ёзма равишда огоҳлантириш.
2.3. Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:
2.3.1. Аутсорсернинг фаолиятига аралашмаган ҳолда бажарилаётган ишларнинг юритилиши ва сифатини исталган вақтда текшириш.
2.3.2. Буюртмачи Шартномани бажаришни рад этиши тўғрисидаги хабарномани олгунига қадар Аутсорсерга кўрсатилган хизматларнинг қийматини белгиланган тартибда тўлаб, исталган вақтда Шартномани бажаришдан бош тортиш.

### III. Шартноманинг нархи ва ўзаро ҳисоб-китоблар тартиби

3.1. Мазкур Шартноманинг нархи :

| № | Хизматлар номи | Ўлчов бирлиги | сони | Нархи | сўммаси | ҚҚС | Жами сўммаси |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | **4 махал иссиқ овқат (нонушта, тушлик, иккинчи тушлик, кечки овқат) 20% устама ҳақи билан бирга** | **порция** | **12221** | **26400** | **322634400** | **0** | **322634400** |
| | **ЖАМИ** | **X** | | **X** | | **0** | |

**322 634 400 (Уч юз йигирма икки миллион олти юз ўттиз тўрт минг тўрт юз)сўм** _______________
( сўмма сон ва сўз билан)
сўмни ташкил этади.
3.2. Аутсорсерга олдиндан 30 фоиз миқдоридаги тўлов 5 банк куни ичида ўтказилади.
3.3. Аутсорсер томонидан кўрсатилган хизматлар учун ўзаро ҳисоб-китоблар бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва расмийлаштирилган ҳисоб-фактура асосида кўрсатилган хизматларнинг амалдаги қиймати бўйича 70 фоиз миқдорида ҳақиқатда кўрсатилган хизматлар суммасидан келиб чиқиб ўн кунда камида бир марта амалга оширилади.
3.3.1. Овқатланадиган бир киши учун кўрсатиладиган хизматларнинг амалдаги нархи Аутсорсер етказиб берувчидан харид қилган ва тегишли меъёрлар бўйича тасдиқланган озиқ-овқат маҳсулотларининг амалдаги нархи овқатланувчиларнинг сонига кўпайтириш йўли билан Буюртмачи томонидан белгиланади. Ҳосил бўлган якуний сумма 20 фоизгача устама ҳақи миқдорига кўпайтирилади (яъни, умумий сумма аутсорсернинг 20 фоизгача устама ҳақига кўпайтирилади).
3.3.2. Овқатланувчиларнинг амалдаги сони ҳақидаги маълумотлар ва овқатланадиган бир кишига кўрсатиладиган хизматларнинг амалдаги нархи асосида Буюртмачи кундалик таомномага (озиқ-овқат маҳсулотларининг тақсимотига) мувофиқ Аутсорсер билан биргаликда ҳар ўн кунда тўланиши лозим бўлган суммани кўрсатган ҳолда бажарилган ишларнинг йиғма далолатномасини тузади ва ҳисоб-фактурани расмийлаштиради ҳамда улар Аутсорсер раҳбари ва шифохона бош шифокори томонидан имзоланади.
3.3.3. Буюртмачи томонидан амалда кўрсатилган хизматлар нархи белгиланган тартибда расмийлаштирилган бажарилган ишлар далолатномаси ва ҳисоб-фактура олинган вақтдан бошлаб 10 банк куни давомида Шартномада белгиланган суммадан ортиқ бўлмаган миқдорда тўланади.
3.3.4. Мазкур Шартномага 2-иловада кўрсатилган Шартнома прогноз суммасини ҳисоблаш учун озиқ-овқат маҳсулотларининг нархлари ўзгарганда ёки бошқа асосли ҳолатларда Томонлардан бирининг ташаббуси билан бир ойда бир марта қайта кўриб чиқилиши мумкин.

### IV. Томонларнинг мажбуриятлари

4.1. Аутсорсер Буюртмачи шахсий таркибининг овқатланишини ташкил этиши бўйича Шартнома мажбуриятларини ўз вақтида бажармаган ҳолатларда Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди. Бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган хизматлар ойлик қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.
4.2. Пеня (жарима) тўлаш Томонларни зиммасидаги мажбуриятларини бажаришдан ёки бузилишларни бартараф этишдан озод қилмайди.
4.3. Мазкур Шартнома шартларининг бажарилмагани ёки тегишли даражада бажарилмагани учун томонлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг

шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошка норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида назарда тутилган жавобгарликка тортиладилар.
4.4. Томонларнинг Мазкур Шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалда бўлган фукаролик конунчилиги нормаларига мувофик қўлланилади.

## V. Мунозарали вазиятларни ҳал этиш тартиби

5.1. Мазкур Шартномани бажаришда юзага келиши мумкин бўлган низолар ва келишмовчиликлар имкон кадар Томонлар ўртасида музокара ўтказиш йўли билан ҳал этилади.
5.2. Низолар ва келишмовчиликларни Томонлар ўртасида музокара ўтказиш йўли билан ҳал этиш мумкин бўлмайдиган ҳолатларда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган келишмовчиликларни суддан олдин бартараф этиш тартиб-таомили амалга оширилгандан сўнг улар Ўзбекистон Республикаси конунчилигида белгиланган тартибда кўриб чикиш учун судга берилади.

## VI. Форс-мажор ҳолатлар

6.1. Томонлар мажбуриятларнинг кисман ёки тўлик бажарилмаганлиги учун, агар бундай ҳолат енгиб бўлмас куч, яъни табиий офаатлар, табиий ва техноген тусдаги фавкулодда ҳолатлар оқибати ҳисобланса, жавобгарликдан озод қилинади. Бунда мазкур Шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати мутаносиб равишда ушбу ҳодисалар рўй берган муддатга оркага сурилади

## VII. Якунловчи қоидалар

7.1. Ушбу Шартномага ҳар кандай ўзгартириш ва қўшимчалар фақат улар ёзма шаклда расмийлаштирилиб, Томонларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзолангандан сўнг ҳақиқий ҳисобланади. Мазкур Шартномага барча иловалар унинг ажралмас қисмини ташкил этади.
7.2. Томонларнинг хеч бири мазкур Шартнома бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа Томоннинг ёзма шаклдаги розилигисиз бирор-бир учинчи томонга бериб юбориши мумкин эмас.
7.3. Ушбу Шартнома икки нусхада тузилган. Иккала нусха айнан бир хил бўлиб, бир хил юридик кучга эга. Томонларнинг ҳар бирида мазкур Шартноманинг бир нусхаси бўлади.

## VIII. Мазкур Шартноманинг амал қилиш муддати

8.1. Ушбу Шартнома икки томонлама имзоланган пайтдан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

## IX. Томонларнинг манзили ва банк реквизитлари

**“Буюртмачи”**
**Тошкент вилояти** Руҳий асаб касал диспа
Манзил: Чирчиқ ш. Ahмоний кўча 24 уй
ИНН: 200446264
ШХВ: 100021860274187078201254002
Тошкент шахар марказий банк ХККМ
Х/р:23402000300100001010.
МФО: 00014._ИНН: 201122919
Тошкент тумани ғазначилик бўлими
м.у. ____ Шомасаров Ч.А.

**“Аутсорсер”**
**МСНJ “BIR ZUMDA FOOD”**
**Манзил:** Тошкент вилояти Ангрен шаҳри, Истикбол махалласи 5 даха, 3 уй.
**ИНН:** 309887764. ОКЭД: 56210
**Х/р**: 2020 8000 7055 7117 7001.
**Банк:** ХАТВ “DAVR BANK” Чилонзор филиали **МФО:**01046.
м.у. ____ **М.А. Аллабердиев**

ҲУҚУҚШУНОС ____ Ў Хамраев

Yuridik shaxsni davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risidagi

# GUVOHNOMA

Yuridik shaxs

**"BIR ZUMDA FOOD" MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYAT**

Tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holda yuridik shaxs - tadbirkorlik subyektining to'liq nomi

**"BIR ZUMDA FOOD" MCHJ**

Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi

**309 887 764**

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR)

## Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatga olish, axborotni o'zgartirish)

**22.09.2022**
Sana

**1971341**
Tasdiqlandi

Tashkiliy-huquqiy shakli:

**MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYAT**

Faoliyat yuritadigan manzil:

**TOSHKENT VILOYATI, ANGREN SHAHRI, ИСТИКБОЛ МФЙ, 5 ДАХА КУЧАСИ, 3-УЙ, 0-ХОНАДОН**

Tomonidan berilgan:

**ANGREN SHAHRI DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI**

072401

## Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 154289 на приобретение 4- махал Иссиқ овқат (Нонушта,тушлик, иккинчи тушлик,кечки овқат) билан таъминлаш 20% ли устамаси билан бирга

Способ проведения электронный

Дата 03.10.2022

Время рассмотрения 03.10.2022 12:43

Закупочная комиссия Тошкент вилояти Рухий - асаб касалликлар диспансери, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | SHONOSIROVA FIRUZA ABDULLAYEVNA | Bosh shifokor | TVRAKD |
| **Секретарь комиссии** | RAPIKOVA GULCHEXRA ABDUMAJITOVNA | bosh xamshira | TVRAKD |
| **Член комиссии** | XOJAMURATOVA ZAMIRA TURDIMURATOVNA | parhez xamshirasi | TVRAKD |
| **Член комиссии** | YARBOZOROV FAHRIDDIN BO‘TAYEVICH | Vrach | TVRAKD |
| **Член комиссии** | ISMAILOV YAKUBJON SATTAROVICH | Xujalik mudiri | TVRAKD |
| **Член комиссии** | ARTIKOVA MUXAYE MAXMADALIYEVNA | Kasaba uyushmasi raisi | TVRAKD |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 03.10.2022 года № лота 154289.
Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 80.00 / Весовой коэф. ценовой части: 20.00)

Мин. балл: 80

Предмет закупки:

| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Услуги по организации горячего питания** |
|---|---|
| Подробное описание | 4-махал иссқ овқат ( нонушта, тушлик, иккинчи тушлик, кечки овқат) билан таъминлаш хизмати 20% ли устамаси билан бирга |
| Количество товара | 4 815.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 27 000.00 |
| Стартовая сумма | 130 005 000.00 |
| Валюта | UZS |

| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Услуги по организации горячего питания** |
|---|---|
| Подробное описание | 4-махал иссқ овқат ( нонушта, тушлик, иккинчи тушлик, кечки овқат) билан таъминлаш хизмати 20% ли устамаси билан бирга |
| Количество товара | 3 703.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 27 000.00 |
| Стартовая сумма | 99 981 000.00 |
| Валюта | UZS |

| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Услуги по организации горячего питания** |
|---|---|
| Подробное описание | 4-махал иссқ овқат ( нонушта, тушлик, иккинчи тушлик, кечки овқат) билан таъминлаш хизмати 20% ли устамаси билан бирга |
| Количество товара | 3 703.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 27 000.00 |
| Стартовая сумма | 99 981 000.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Танлов иштирокчисининг банк хисоб рақамида Жойлаштирилган эълон қийматининг 30% миқдорида пул маблағига эга бўлиши шарт

Тип: Текстовое значение

Описание: Банкдан маълумот

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ЧП "TEZ KURILISH"** | 20 | 20 | 19 | Экспертная | | |
| **BIR ZUMDA FOOD MCHJ** | 20 | 10 | 20 | Экспертная | | |
| **KELAJAK SARVINOZ FBM MCHJ** | 20 | 20 | 12 | Экспертная | | |

Критерий №2 Аутсорсернинг Давлат идоралари рўйхатидан ўтказилаганлаиги хақидаги гвохнома мавждлиги , виждонсизлар руйхатида турмаслиги ҳақида

Тип: Текстовое значение

Описание: Гувохнома нусхаси , маълумотнома

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ЧП "TEZ KURILISH"** | 20 | 20 | 18 | Экспертная | | |
| **BIR ZUMDA FOOD MCHJ** | 20 | 20 | 20 | Экспертная | | |
| **KELAJAK SARVINOZ FBM MCHJ** | 20 | 20 | 20 | Экспертная | | |

Критерий №3 Танлов иштирокчилари томонидан коррупсия кўринишларига йўл қўйилмаслиги бўйича кафолат хатининг мавжудлиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Кафолат хати

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ЧП "TEZ KURILISH"** | 20 | 20 | 18 | Экспертная | | |
| **BIR ZUMDA FOOD MCHJ** | 20 | 20 | 17 | Экспертная | | |
| **KELAJAK SARVINOZ FBM MCHJ** | 20 | 20 | 18 | Экспертная | | |

Критерий №4 Озиқ-овқатларни этказиб бериш муддати ва бир хафтали озиқ - овқат менюси

Тип: Текстовое значение

Описание: Умумий ишлаб чиқариш графиги

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ЧП "TEZ KURILISH"** | 20 | 20 | 18 | Экспертная | | |
| **BIR ZUMDA FOOD MCHJ** | 20 | 20 | 19 | Экспертная | | |
| **KELAJAK SARVINOZ FBM MCHJ** | 20 | 20 | 17 | Экспертная | | |

Критерий №5 Солиқ органидан солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисида маьлумотнома мавжудлиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Маьлумотнома олинганига бир ойдан ошмаган бўлиши керак

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ЧП "TEZ KURILISH"** | 20 | 20 | 18 | Экспертная | | |
| **BIR ZUMDA FOOD MCHJ** | 20 | 20 | 20 | Экспертная | | |
| **KELAJAK SARVINOZ FBM MCHJ** | 20 | 20 | 20 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Сумма с учетом конвертации (UZS) | Применение преференции | Общее значение (UZS) | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **KELAJAK SARVINOZ FBM MCHJ** | 329 967 000.00 | 301 192 777.71 UZS | 301 192 777.71 | 00.00 | 301 192 777.71 | 30.09.2022 16:37:38 | 20 |
| **BIR ZUMDA FOOD MCHJ** | 329 967 000.00 | 322 634 400.00 UZS | 322 634 400.00 | 00.00 | 322 634 400.00 | 30.09.2022 14:05:15 | 18.67084 |
| **ЧП "TEZ KURILISH"** | 329 967 000.00 | 328 744 900.00 UZS | 328 744 900.00 | 00.00 | 328 744 900.00 | 30.09.2022 10:18:34 | 18.3238 |

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---|---|---|
| **KELAJAK SARVINOZ FBM MCHJ** | 69.6 | 20 | 89.6 |
| **BIR ZUMDA FOOD MCHJ** | 76.8 | 18.67084 | 95.47084 |
| **ЧП "TEZ KURILISH"** | 72.8 | 18.3238 | 91.1238 |

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 154289 от 03.10.2022 года на приобретение 4-махал Иссиқ овқат (Нонушта,тушлик, иккинчи тушлик,кечки овқат) билан таъминлаш 20% ли устамаси билан бирга определила победителем:

BIR ZUMDA FOOD MCHJ
309887764

и резервный исполнитель: ЧП "TEZ KURILISH" (202672653)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | SHONOSIROVA FIRUZA ABDULLAYEVNA | Согласен | |
| **Член комиссии** | XOJAMURATOVA ZAMIRA TURDIMURATOVNA | Согласен | |
| **Член комиссии** | YARBOZOROV FAHRIDDIN BO‘TAYEVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | ISMAILOV YAKUBJON SATTAROVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | ARTIKOVA MUXAYE MAXMADALIYEVNA | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

«Тасдиқлайман"

Тошкент вилояти рухий

асаб касалликлар диспансери

Бош шифокори ________ Шоносирова Ф.А

**Йиғилиш баённомаси №6** 06.10.22 й.

**Кун тартибида:** Тошкент вилояти рухий асаб касалликлар диспансериинг ошхонасини "аутсорсинг хизмати" га топшириш учун товар хам-ашё биржасига жойлаштирилган № 154289 рақамли эълон буйича.

**Қатнашдилар:** комиссия раиси - ТВРАКД бош шифокори Шоносирова Ф.А.

Аъзолари : 1. Бош шифокори муовини Ярбазаров Ф.Б

2. Хўжалик бўлими мудири Исмаилов Я.С

3. Касаба уюшмаси раиси Раджапов С.Ш

4. Пархез хамшираси Хожамуратова З.Т

5. Бош хамшира Рапикова Г.А

Йиғилишда диспансер раҳбари, бош шифокор Шоносирова Ф.А.раислик қилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 10 январдаги 16-сонли Қарорини таъминлаш мақсадида "Аутсорсинг" хизмати учун Ўзбекистон Республикаси товар хом-ашё биржасига энг яхши таклифни танлаш учун 2022 йил 22 сентябрда 154289-сонли лот жойлаштирилганлигини айтиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тузилмасидаги ташкилотларда аутсорсинг хизматлари кўрсатиш тартиб тўғрисидаги Низомининг 2-бобига асосан 20% устама ҳаққи билан ҳисобланган нархларда қуйидаги 3 нафар ташкилотлардан тижорат таклифлари тушган. Улар қуйидагилар: **KELAJAK SARVINOZ, BIR ZUMDA FOOD MCHJ ва ЧП "TEZ KURILISH"** лар.

| № | **Кўрсатиладиган хизмат номи** | ***«KELAJAK SARVINOZ »МЧЖ*** | | ***« BIR ZUMDA FOOD » МЧЖ*** | | ***«TEZ KURILISH »МЧЖ*** | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 4 махал иссик овкат (нонушта, тушлик, иккинчи тушлик ва кечки овкат) 20%ли устамаси билан бирга | **ўлчов бирлиги** | **нархи** | **ўлчов бирлиги** | **нархи** | **ўлчов бирлиги** | **нархи** |
| | | порция | 29574,6 (24645,5 + 20%) сўм | порция | 26400 (22000+ 20%) сўм | порция | 27000 (22500+ 20%) сўм |

Энг яхши таклиф жўнатган « BIR ZUMDA FOOD » МЧЖ сифатида 2022 йил 03 октябр куни соат 12:43 да танлаб олиниб, баённома шаклланди. Баённома шаклланганидан сўнг 48 соат мобайнида оғзаки ёки ёзма равишда эътироз ва шикоятлар келиб тушмади.

Иссик овқат ташкил этиш хизмати амалга ошириш учун энг яхши таклиф « BIR ZUMDA FOOD » МЧЖ таклиф эткан маҳсулотларнинг сифати ва хилма-хиллиги нархнинг арзонлигини инобатга олиб:

**Юқоридагиларни ўрганиб чиқиб, комиссия ҚАРОР қилади**

1. Танлов комиссияси томонидан « BIR ZUMDA FOOD » МЧЖ энг янги яхши таклиф танлови ғолиби деб эълон килинсин.
2. « BIR ZUMDA FOOD » МЧЖ билан шартнома имзолансин.
3. Танлов ғолиби билан бюджет маблағлари хисобидан шартнома тузилсин ва ғазначиликдан руйхатдан ўтказилсин.

**Комиссия аъзолари:** __________ Ярбазаров Ф.Б

__________ Исмаилов Я.С

__________ Раджапов С.Ш

__________ Хожамуратова З.Т

__________ Рапикова Г.А